



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI TUPROQQAL’A TUMAN KENGASHI QARORI

Tuproqqal’a tuman “Yoshlik” mahallasi Komiljon Otaniyozov ko‘chasi, 1-uy

2021 - yil 30 - noyabr

VI-45-52-12-218-K/21

Tuproqqal'a tumani hokimligi

Тупроққалъа туманидаги “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган тиббий ҳимояга муҳтож Ибадуллаева Муҳайё Дурумбаевнанинг даволаниш харажатлари учун “Аёллар” жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида.

Тупроққалъа туманидаги “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Шарлаук маҳалласида яшовчи 1980 йилда туғилган фуқаро Ибадуллаева Муҳайё Дурумбаевнага “Чап томонлама идеопатик коксоартроз III-IV даражаси огрик синдроми” ташхиси қўйилган.

Ибадуллаева Муҳайё Дурумбаевнани операция қилиш учун Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига “Аёллар” жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан Тупроққалъа тумани прокурори, 2-сектор раҳбари С.М.Гайбиевнинг билдирган таклифи атрофлича муҳокама қилиниб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман прокурори, 2-сектор раҳбари С.М.Гайбиевнинг сектор ҳудудидаги “Аёллар дафтари”га киритилган тиббий ҳимояга муҳтожларга “Аёллар” жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Аёллар дафтари”даги бемор Ибадуллаева Муҳайё Дурумбаевнани операция қилиш учун Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига 27 000 000 (йигирма етти миллион) сўм пул маблағларини “Аёллар” жамғармаси ҳисоб рақамидан ажратилсин.

3. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри Й.Бобожонов кўчасида 2 пр 1 жойлашган Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази томонидан тақдим қилинган №103-сонли шартномада кўрсатилган маблағни ўтказиб беришга рухсат қилинсин.

4. Тупроққалъа тумани ҳисобчиси К.Қурбонбаевга, ўрнатилган тартибда ажратилган маблағларни шартномага асосан йўналтириш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш” масалалари бўйича доимий комиссия раиси И.Қаландаров зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Салаев